Ушбу сонда:
2 «Бандлик» дастури ИШБИЛАРМОНМИСАН? иш ўрни ярат!
3 Қарор ва ижро ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ
4 ТАБИБНИНГ ЎЗИ СОҒЛОМ БЎЛСИН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 14 апрел, жума № 66 (2115)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ПРЕЗИДЕНТ, МУСТАҚИЛЛИК, КУРАШ»

***Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун мусобақа ўтказилди.***

Минглаб кураш ихлосмандлари билан тўлган «Машъал» стадионида ўтган мусобақада юртимизнинг донгдор полвонлари ўз маҳоратини намойиш этди.

- Мазкур мусобақанинг «Президент, Мустақиллик, Кураш» шиори остида ўтаётгани бежиз эмас, - деди мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири, мамлакат «Кураш» миллий федерациясининг президенти Абдулла Орипов. - Зеро, халқимизнинг ушбу миллий спорт турини дунёга танитишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг беқиёс ҳиссаси бор. Юртбошимиз бераётган улкан эътибор туфайли ўзбек кураши бугун дунё бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Ҳозир жаҳоннинг 80 га яқин давлатида кураш федерациялари ишлаб тургани бунинг яна бир исботидир.

Мусобақа финалида гиламга чиққан икки таниқли курашчи - Давлат Чориев ва Ўткир Саломов ўртасидаги баҳс Давлат Чориев ғалабаси билан якунланди.

Ғолибга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини - «Nexia» автомашинаси топширилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорлари — амалда*

## ОДАМЛАР МАНФААТИ — АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи ҳужжатларида эскича ишлаш усулидан воз кечиб, инсонпарварлик мақсадлари ва ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни амалга оширишда янгича фикрлаш асосида фаолият кўрсатиш муҳим вазифа қилиб қўйилган**

***Меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячисига айланган касаба уюшмалари "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг фаол иштирокчиси ва ижрочиси сифатида ҳаракат қилмоқда. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган газ-кимё мажмуасининг кўп минг кишилик жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаяпти.***

Қаерда моддий манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилса, ўша жойда муваффақиятга эришилади. Ходимларимиз мураккаб технологик қурилмаларни назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал ўзлаштириб олган. Режадаги 3 миллиард 257 миллион кубометр ўрнига 3 миллиард 564 миллион кубометр табиий газ қайта ишланди. 102 минг 232 тонна суюлтирилган газ, 101 минг 953 тонна конденцат, 116 минг 810 тонна полиэтилен маҳсулотлари, 592 тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. Истеъмолчиларга 181 миллиард 388 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

Ўз атрофига 2050 нафар аъзоларни бирлаштирган касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларга хавфсиз ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси талабларига жавоб берадиган шароит яратишга асосий эътиборни қаратган. Касалланиш ва шикастланишни камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари белгиланиб, ижроси таъминланаяпти. 312 нафар ходим вилоят марказидаги шифохоналарда, 181 нафари республика марказидаги тиббиёт масканларида даволаниб қайтдилар.

Меҳнат аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлаш — асосий йўналиш. 1280 нафар касаба уюшма аъзолари бепул йўлланмалар билан санаторий ва профилакторийларда дам олиб, соғлигини тиклади. Мажмуа тасарруфидаги "Лочин" болалар дам олиш оромгоҳида ҳамма қулайликлар яратилган. Бултургидек, бу йил ҳам 2219 нафар ўғил-қизнинг текин йўлланмалар билан мазмунли дам олишлари ташкил этилади. Уларнинг 131 нафари "Меҳрибонлик уй"лари тарбияланувчиларидир. Ишчи-хизматчиларнинг 2-9-синфда ўқийдиган фарзандларига 11 миллион сўмлик дарсликлар ва ўқув жиҳозлари тарқатилди. Юбилей санасини нишонлаётганлардан 25 киши икки ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пуллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 132 ишчи оилаларига янги фарзанд туғилиши муносабати билан суюнчи пуллари берилди.

Касбий байрам кунлари муносабати билан тармоқда 20 йил ва ундан ортиқ ишлаган меҳнат фахрийлари қўшимча мукофот пуллари олдилар. Ходимларимиз ҳар ойда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида овқат пуллари билан таъминланиб келинаяпти. Хизмат сафарида бўлганларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида кунлик сарф-ҳаражатлар тўланаяпти.

Мажмуа ходимларининг истак ва таклифлари инобатга олиниб, яна бир хайрли ишга қўл урилди. Жорий йилнинг сентябридан бошлаб ойнинг ҳар жумаси "Меҳр ва мурувват кўрсатиш куни" деб эълон қилинди. "Хайр-эҳсон" жамғармаси тузилиб, ундан тушган 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ Қамаши туманидаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига уст-бош ва оёқ кийимлари олиб беришга ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланди. Нуристон қўрғонида ходимлар учун 40 хонадонли 2 та кўп қаватли уй, 844 ўринли мактаб ва 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Юзга яқин коттеж типидаги турар жой қурилиши ҳам яқин кунларда тугалланади.

Мажмуа оталиғидаги "Севинч" клуби хотин-қизлар футболи бўйича Осиё ва республика кубогини қўлга киритди, икки бора устма-уст мамлакат чемпиони бўлди. Таиландда ўтказилган биринчи Осиё ўйинларида аёллар мини футболи бўйича олтин медал соҳиби бўлди.

Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини муҳофазалашда асосий ҳужжат ҳисобланган жамоа шартномасининг бажарилиши вақти-вақти билан муҳокама қилиб борилаяпти. Яқинда амалга оширилган ишлар таҳлилдан ўтказилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Тузилган дастурга мувофиқ жорий йилда турли жамғармалар ва муҳтож кишиларга 2 миллиард 350 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилади. Ҳозирга қадар кўрсатилган ҳомийлик ёрдами 939 миллион 445 минг сўмни ташкил этади. Жорий йил бошидан бери 398 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. 247 нафар беморларга дори-дармон учун пул ўтказилди.

Жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича тасдиқланган битими асосида ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ишга олиб келиш ва олиб кетиш учун автоуловлар ажратилган.

Оғир ва зарарли шароитда меҳнат қилаётганларнинг вақтида бепул сут ва қатиқ маҳсулотлари билан таъминланиши қатъий назоратга олинган. Ишчилар шаҳарчаси ва завод ҳудудида ошхоналар, барча қулайликларга эга ётоқхоналар, тиббий санитария қисми ишлаб турибди.

Атроф-муҳит муҳофазаси доимий эътиборда. Чиқиндиларни қайта ишлаш тўғри йўлга қўйилганлиги учун 1,5 миллион сўм фойда олинди. "Экология ва саломатлик", "Оролбўйи оналари ва болалари", "Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш" шанбаликлари ташкил этилиб, ҳашарлардан тушган 1,5 миллион сўм маблағ "Экосан", "Наврўз", "Маҳалла" жамғармаларига ўтказилди. Мажмуа атрофида экологик барқарорликни сақлаш учун 10 гектарлик сўлим боғ яратилган.

Ишчанлик ташкилот нуфузини оширади. Қолаверса, меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари шуни тақозо этади.

**Шуҳрат ҚУРБОНОВ,**
**«Шўртангазкимё» мажмуаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

## ХАЛҚНИНГ ҲАЛОВАТИ ТИНЧЛИК ТУФАЙЛИ!

**публицистика**

Болалигим Мўминқул қишлоғида кечди. Олтинсой туманида. Қишлоқдаги ҳар бир ҳовлида кўрса кўргудай боғ, аниқроғи, узумзор бўлгувчи эди. Биз томонларда узумни пушталаб – ер бағирлатиб экишади. Ҳей, бир узум бўларди, қўяверасиз, ҳар боши бир челакни тўлғизарди. Обшир, Мормин, Хўжасоат, Жоби, Корлиқ, Чеп қишлоқлари, умуман, мен яшаган жойни токзорсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Майизни айтмайсизми! ... Карсиллаб пишган жовуз узумни ишқорга ботириб том устига ёйишарди. Ўзиям том тилла ёйгандай бўларди – сап-сариқ товланарди. Ҳар қайси хонадондан камида 5-6 центнер майиз тўпланарди, бундай майизнинг нархи қўй гўшти билан тенг юрарди. Одамлар эрта баҳорда токзорни буташарди – узун-узун узум новдаларини кесишарди. Новдада энди ўсган барглар пайдо бўлгунга қадар узумзорлар бутоқдан чиқарди. Йўқса, новдани қимирлатганда пундиги учиб кетади... Қишлоғимиздаги деярли барча боғларни Йўлдош бобо кесарди. Иймонини берсин, раҳматли бўлиб кетдилар...

Бобо сўққабош эди. Ҳеч кими йўқ эди чамамда. Одамларнинг хизматини қиларди. Бобонинг бир

*Бугуннинг гапи*

кўзи кўр эди. Бобо урушда қатнашган. Бир кўзини ўқ ўйиб кетган. Бобо доимо кўр кўзига рогатка (чўзма)нинг такаси (тош соладиган резина)ни боғлаб юрарди. Киноларда кўрганимиздай бир кўзини қоп-қора чарм тўсиб турарди. Йўлдош бобони ҳамма негадир фамилиясини айтиб чақирарди – Чўтбоев дейишарди. Биз болакайлар ҳам бобонинг ортидан Чўтбоев дея югургилар эдик.

Бир воқеа ҳамон эсимда. Боғлар тепкига тайёр пайт, пушталарда ўт-ўлан бўй чўзиб, пилтакачлар қиёқдай бўлиб отилиб чиққан. Раҳматли Карим бобонинг боғига ошнам Анвар билан пилтакач териб кирибмиз. Дарвоқе, пилтакачни биласизми? Пилтакачнинг бўйи бир қарич, қиёқ ўтдай ўсимлик. Жайранинг ўқигаям ўхшаб кетади. Тортсангиз илдиз билан қобиғи ерда қолиб, пероли ручкадай бўлиб пилтакач чиқиб келади. Ана шу пилтакач. Унинг ўртасини ёриб очсангиз, ичидан худди нам пахтадай оқ нарса чиқади. Есангиз ширин ва тотли. Хуллас, биз пилтакач тераяпмиз...

Чўтбоев бобо ток кесаяпти. Ҳаш-паш дегунча тушлик бўлди. Бобо белидаги белбоғини ёзиб, суви қочган нонни белбоғ устига қўйди. Белбоғ дастурхон бўлди. Бир коса совуқ сув опкелтирди. Сув билан нонни ҳузур қилиб еди. Кейинчалик ҳам кўп кузатганман. Чўтбоев бобо доимо яримта нон, бир-икки коса сув билан тамадди қиларди. Нонуштадан сўнг қаноату қироат билан дуо ўқирди.

–Худоё худованда, жоратган эгам, парвардигорим! Ўзинг асра! Тинчликди бер! Эл-юртқа барака бер! Гўдакларни ўзинг асра. Бола-бақраларимизди бахтига жер жузида тинчлиқ бўлсин, уруш бўлмасин, худойим. Биздан кейингилар сира-сира урушди кўрмасин. Тинчомонликда яшайлик... Омин, Аллоҳу Акбар!

Бобо худди шундай дуо ўқирди. Қайта-қайта эшитаверганимдан қулоқларимга қуйилиб қолган бу гаплар... Эсимни танигач, бола-чақали бўлган чоғимдаям бобонинг шу гапларини бот-бот ёдга олардим, дастурхон бошида дуога қўл очсам, шууримда Чўтбоев бобо гапираётгандай бўлади, беихтиёр у кишининг гапларини такрорлайвераман.

Кейин тушундим нима сабабдан Чўтбоев бобо фақат тинчлик бўлсин деб илтижо қилишини. Бобо бойлик, мартаба, давлату даврон сўрамасди. Ёлғиз ҳолига зурриёд ҳам сўрамасди. Фақат тинчлик бўлсин, дерди.

(Давоми 3-бетда)

## ШОҲИ ЗИНДА — АЖДОДЛАРНИНГ МАНГУ МАКОНИ

Шарқ дурдонаси бўлмиш кўҳна Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлар мажмуаси сўнгги икки йил мобайнида таниб бўлмас қиёфага кириб бормоқда. Зеро, ота-боболаримиз бизга мерос қолдирган неча юз йиллик тарихга эга бебаҳо бойликларимизни асраб-авайлаш бизнинг нафақат инсонийлик балки фарзандлик бурчимиздир.

Неча юз йиллар мобайнида нураб ётган тарихий обидалар қайта таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилди. Шоҳи Зинда тарихий ёдгорлигини қайта таъмирлаш ишларида республикамизнинг барча вилоятларидан келган қўлигул усталар иштирок этдилар. Шунингдек, мажмуа атрофида жойлашган турли маиший хизмат ва савдо дўконлари шаҳарнинг турли жойларига кўчирилди. Уларнинг ўрнида илгари бўлган автомобил йўли яна қайта таъмирланиб, 2 ярим метр пастга туширилди. Натижада ушбу йўл шаҳардаги бошқа тарихий ёдгорликлар билан боғловчи катта йўлга айлантирилди.

Эндиликда Самарқандга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар Афросиёб меҳмонхонасидан пиёда юриб, Регистон майдонини, ундан сўнг Бибихоним мақбараси орқали Сиёб бозоридан ўтиб Шоҳи Зиндани зиёрат қилиш каби қулай имкониятга эга бўлдилар.

**Суратларда: Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда меъморий ёдгорлиги кўринишларидан лавҳалар.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**





*Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар*

***Мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Барча жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бунда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, демократик тамойилларни кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Қонунлар одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.***

## ҲАММАСИ ҚОНУН ДОИРАСИДА

### ҳаммаси адолатли

— Меҳнат аҳлининг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунларнинг қабул қилиниши, бу катта ишнинг бошланиши холос, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳуқуқшуноси Шуҳрат Тожибоев. — Шунинг учун касаба уюшмалари бу борада қонунчиликда берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланган ҳолда қонун меъёрларига жойларда қандай амал қилинаётганини мунтазам назорат қилиб бормоқдалар. Бу жараённи изчил амалга ошириш учун тармоқ касаба уюшмалари тизимида «Меҳнат ҳуқуқи инспекциялари», «Меҳнатни муҳофаза қилиш инспекциялари» фаолияти савиясини оширишга эътибор берилмоқда.

Бунда суд ва прокуратура органлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Текширув ва назорат натижалари кенгаш раёсати ва турли бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларининг мажлисларида муҳокама этилиб, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими тизимида ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда маъмурият билан касаба уюшма ҳамкорлиги натижасида бу борадаги ижобий ишлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди. Раёсат қарорига кўра маъмурият ва касаба уюшма қўмиталарининг бу борадаги ишлари етарли эмас, деб топилди. Шаҳар ХТБ раҳбариятига Меҳнат қонунлари талабларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга тегишли чора кўриш, тизимдаги ходимлар бўлимларини зарур меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, Меҳнат Кодекси асосларини ўрганиш бўйича ўқув-семинари ташкил этиш вазифаси юклатилди. Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашига йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлари кўрсатиб ўтилиб, чора-тадбирлар белгилаш зарурлиги уқтирилди.

Сўнгги пайтларда раёсатда вилоят ўрта махсус касбҳунар таълими бошқармаси, вилоят ҳамда шаҳар санитария-эпидемиология назорат марказлари тизими ва бошқа кўплаб жамоаларда меҳнат қонунчилиги ижроси кўрилиб, таъсир чоралари қўлланилди.

(Давоми 3-бетда)

## ДЕҲҚОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

***Избоскан тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими қошида мева ҳамда сабзавотларни қабул қиладиган савдо-тайёрлов корхонаси ташкил этилди.***

Бу корхонани тузишда жорий йилда туманда 4,9 минг тонна сабзавот, 3,5 минг тонна мева, 328 тонна узум ва 100 тонна ошқовоқ етиштирилиши инобатга олинди.

Маҳаллий ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлаш туфайли корхонага бино, омборхона, зарур ашёлар ажратилгач, деҳқонлар билан шартнома тузиш бошлаб юборилди. Корхонага 246 миллион сўм ажратилган бўлиб, бу маблағнинг ўттиз фоизи етиштириладиган ҳосил учун олдиндан тўланади.

## "ТРУСКАВЕЦ"ДАН ҚОЛИШМАЙДИ

***Пахтаобод туманидаги "Маданият" санаторийси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди.***

Гап шундаки, бу масканда 2 минг 650 метр чуқурликдан шифобахш минерал сув олинади. Бу сув шифобахшлиги жиҳатидан Украинанинг "Трускавец" санаторийсидан чиқадиган "Нафтус" минерал сувидан қолишмайди.

Шунингдек, санаторийда даволашда шифобахш гиёҳлардан, шарқ табобати усулларидан фойдаланилади.

**"Туркистон-пресс"**

*Ислоҳот мевалари*

***Яқин-яқинларгача фалончининг банкда ўз ҳисоб рақами ва шунча пули бор экан, дейишса, шу гапни айтганни одамлар телба, дейишлари тайин эди. Аммо энди замон ўзгарди. Ҳозир республикамиз аҳолисининг кўпчилиги банк мижози. Чунки бунга шарт-шароитлар яратилган ва бир қатор имтиёзлар ҳам бор.***

## КЎНГЛИ ОЧИҚНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ

Хоразмлик Маркс Раҳмоновнинг фермерликка бел боғлаши шундай бўлган: хориж сафаридан қайтгач, маҳалла чойхонасида тенгдошлари билан суҳбатлашиб ўтирарди. Сўраганларга у жойлардаги шароитлар, тадбиркорлик яхши йўлга қўйилганини, ўзимизда ҳам қачондир ана шу кунлар келишини сўзлаганида, биров ишонди, бошқаси шунчаки қўл силкиб қўяверди.

Яхши ният, ярим давлат, деганлари рост экан. Орадан икки йилча вақт ўтиб, республикамиз мустақил бўлди. «Баҳром» фермер хўжалиги ҳам истиқлол билан елкадош. Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш чора-тадбирларига йўналтирилган қонунларига таяниб, Хоразмда биринчилар қаторида фермер бўлиб ишлашга ўтган жамоалардан бири.

Дастлабки йилларда давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тузилган контрактация шартномалари ортиғи билан уддаланиб, меҳнат аҳли ҳам, фермер моддий имкониятлари ҳам кенгая борди. Сўнг тармоқ кенгайтирилиб, чорвачиликка асос солинди. Қисқа давр оралиғида аҳолининг шу соҳадаги талаб-эҳтиёжи қондирилди ва 5 тоннадан зиёд гўшт маҳсулоти давлатга сотилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЯШАСИН КЎПЧИЛИК!

***Асака шаҳрининг бешта маҳалласига 13 километрдан иборат водопровод қувури тортилди.***

Бу ишларни бажариш учун "Ўзавтосаноат" давлат акциядорлик компанияси 150 миллион сўм сарфлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят ҳокимияти ва маҳаллий ҳомийларнинг кўмаги туфайли 58 та кўп қаватли уйнинг сув билан таъминлаш тармоғи таъмирланди. Эндиликда уйнинг юқори қаватида яшовчилар ҳам иссиқ ва совуқ сувдан мунтазам фойдаланадиган бўлди.

## БИР ОТАР ИККИ БЎЛДИ

***Конимех туманидаги «Сарибел» қоракўлчилик ширкат хўжалигининг бош чўпони Мирзабой Ирисбеков Навоий вилоят «Қоракўл» бирлашмаси тизимидаги хўжаликлар орасида биринчи бўлиб қўзилатиш мавсумини якунлади. Қаровидаги 474 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 120 тадан қўзи олди. Натижада бир отари икки бўлди.***

М.Ирисбеков қоракўл тери тайёрлаш режасини ҳам ортиғи билан бажарди. У йил охиригача шартномадаги жун маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини ҳам уддалаш ниятида. Шунингдек, Айдаркўл атрофидаги қўшни яйловларда қўй боқаётган Ахмет Тўқмуродов, Серик Кўкенов, Тўребой Қарсақбоев каби пудратчи чўпонлар ҳам тўл мавсумини муваффақиятли якунладилар.

«Сарибел»да бу кўклам 50 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилади. Шу тариқа хўжаликда яна йигирмата қўшимча иш ўрни яратилди.

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАСИ

***Фарғоналик деҳқонлар бу йил 115 минг гектар майдонда пахта етиштиради. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрган машина-трактор парклари дала ишларида уларга камарбаста бўлмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, чигит экиш ишларида 1200 дан ортиқ техника ишлатиляпти.***

«Учкўприк МТП» акциядорлик жамияти ўтган йили тумандаги олтита ширкат ва 270 га яқин фермер хўжаликларига шартнома асосида 800 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Йил якунида 25 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

Жамият иш фаолиятини янада яхшилаш мақсадида ўтган йили кредит ҳисобидан олтита ҳайдов трактори, лизинг йўли билан саккизта чопиқ трактори сотиб олди. МТП жамоаси бу йил учкўприклик деҳқонлар билан 900 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзолади.

# ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БУЮК КУЧ СОҲИБИДИР ФАҚАТ УНИ УЙҒОТА БИЛИШ КЕРАК

*Хоразм вилояти*

## *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилганди*

***Бозор инфратузилмасини босқичма-босқич шакллантиришнинг беш тамойилларидан бири сифатида қишлоққа саноатни олиб кириш бот-бот тилга олинаётганлиги бежиз эмас. Мустақилликка эришганимизга кўп бўлгани йўқ. Бироқ ўтган даврда амалга оширилган ишлар халқимизнинг қандай салоҳиятга эга эканлигини кўрсатаётир.***

## ФЕРМЕР — ҚЎШМА КОРХОНА ТАЪСИСЧИСИ

Хоразмда ўз фаолиятини хорижий ҳамкорлар билан боғлаган фермер хўжаликлари кўп. Бунга урғу бераётганимизнинг боиси бор: қўшма корхоналар асосан катта шаҳарлар ва саноатлашган марказларда иш юритишига ўрганиб қолганмиз. Шу сабабли бундай корхоналарнинг қишлоқ жойларига кириб келиши эриш туюлади, баъзан.

Вилоятнинг Урганч туманидаги «Ражаб-Тоҳир» фермер хўжалиги олти йилдирки, хориж билан ҳамкорлик қилиб, 100 гектарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қаторида чорвачиликни ҳам ривожлантириб, бир неча турдаги маҳсулотни қайта ишлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ этаётир. Хўжалик жойлашган ҳудуд аҳоли сони ва зичлиги жиҳатидан шаҳардагидан кам эмас. Шунинг учун бу ерда чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёж катта. Лекин ҳар қарич ер ҳисоблилиги боис, унча-мунча киши ўз хонадонида бир бош мол асраши амримаҳол. Бироқ излаган имкон топаркан.

Фермер хўжалиги мутасаддилари бу имкониятни ўрганиб чиқиб, исроиллик ҳамкорлари билан сутни қайта ишлаш линиясини шартнома асосида ишга туширишди. Мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган замонавий технологик жиҳозларни етказиб бериш мажбуриятини ва тўлов кафолатини «Барака универсал» лизинг компанияси ўз зиммасига олди. Ишбилармон фермер бағрида шаклланган қалдирғоч сутни қайта ишлаш заводи ана шу тариқа қишлоққа кириб келди. Қўшма корхонанинг илк маҳсулоти олти йил аввал Ғойбу қишлоғидан ташқари вилоят бозорларида ва озиқ-овқат дўконларида, тиббиёт ва халқ таълими тизимидаги ошхоналарда шартнома асосида арзон нархларда сотила бошлади.

Илғор технология асосида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам сифатлилиги, ҳам дармондорилиги билан истеъмолчи эътиборини тортаётир. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган 10 турдаги 50 фоизли қаймоқ, 25 фоизли сметана, пишлоқнинг 5 хили, 82 фоизли сариёғ, қатиқ ва бринза сингари ноз-неъматларнинг харидорлари кўп.

Эндиликда «Ражаб-Тоҳир» фермер хўжалиги Урганч, Хонқа, Қўшкўпир, Хива каби туманлардаги чорвачиликка ихтисослашган фермерлар билан истиқболли шартномалар тузиб, ҳар куни бир тоннадан зиёд сутни қайта ишлаётир.

Корхонада тадбиркорлик ва ишбилармонлик қарор топганлиги сабабли ишлаб чиқаришга барака кираяпти. Даромад ҳам шунга лойиқ бўлаётир. Масалан, дастлабки йилда сарф-харажатдан ташқари соф фойда 4 миллион сўм эди. Якунланган йилда бу кўрсаткич 8,5 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб топилаётган маблағнинг бир қисми корхонани кенгайтиришга йўналтирилган бўлса, қолгани ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялашга ва ён-атрофдаги кам таъминланган хонадонларни моддий қўллашга ҳамда янги ишчи ўринлари барпо этишга сарфланаётир.

Фермер хўжалиги раҳбари Ҳикмат Ражаповнинг таъкидлашича, ҳукумат томонидан ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароитлар ишлаб чиқаришни янада жадаллаштиришга, фаровонликни таъминлаб, саховатли юмушларга бел боғлашга имкон бераётир. Хусусан, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан икки нафар нуронийга санаторийга йўлланма ажратилди. Тумандаги 8 та кам таъминланган ва 4 нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар оталиққа олинган. Шунингдек, вилоятдаги 15 дан зиёд шифохона, халқ таълими тасарруфидаги болалар боғчаларига ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилаётир.

Қисқаси, жамоанинг ишбилармонлик асосида фаолият мезонини шакллантириб олгани нафақат ишлаб чиқаришни шакллантиришга, балки хорижга ҳам йўл очди. Жамоанинг бизнес-режасида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп: корхона ҳажмини кенгайтириб, яна 30 нафар кишини иш билан таъминлаш ва маҳсулот сифатини янада ошириб, четга экспорт қилиш шулар жумласидан.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, Муҳаббат БЕКЧАНОВА**



***Чекка бир қишлоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам яхши билишади, деса ҳайрон қолдиган дамлар энди ортда қолди. Чунки бугун ишлайман деганга иш, тадбиркорлик билан шуғулланувчига имконият ва барча шароитлар, имтиёзлар яратилган.***

*Эл олқишини олаётганлар*

## СОФ ФОЙДАНИНГ 60 ФОИЗИ ҲОМИЙЛИККА

Янгибозор туманидаги Оқолтин даҳасида яшовчи врач-ренгенолог Йўлдош Эрназаровнинг «Элинза» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш тарихи севган касби билан чамбарчас боғлиқ. Ўша кезларда тиббиёт соҳасидаги замонавий асбоб-ускуналар четдан, қиммат нархларда келтирилгани учун аксарият жойларда эҳтиёж ва етишмовчиликлар бўларди. Шу боис тадбиркор бизнес-режасини ана шу муаммони бартараф этишга ва бошқалар талабини қондиришга қаратди.

Ростини айтганда, вилоятдаги энг чет қишлоқлардан бири ҳисобланган ана шу жойда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпчилик тасаввур ҳам қилмаганди. Аксинча, оғзига кучи етмаганлар шунчаки кулиб қўйган пайтлар бўлган. Бироқ орадан кўп ўтмай, ишбилармон ҳақ эканлигини амалда исботлади. У ишлаб чиқаришни ташкиллаштирибгина қолмай, «Ташаббус-2006» вилоят кўрик-танловининг бош совриндори бўлди.

Корхона жамоасининг қисқа фурсатда бу даражага эришишининг ўзи бўлгани йўқ. Унинг замирида ҳалол меҳнат ва давр қўяётган талабларга ҳамоҳанглик мужассам. Дастлаб ихчам цехлар қурилиб, дастгоҳлар сотиб олинди. Қишлоқ ёшларидан 20 нафари танланиб, касб-корликка йўналтирилди ва қайта ихтисослаштирилди. Уларнинг ишлашлари учун шароитлар яратилиб, ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилди. Бу ва шунга ўхшаш саъй-ҳаракатларнинг самараси маҳсулот турларини кўпайтиришда ҳамда унинг сифатини оширишга имкон бераётир. Ҳозирги кунда корхона аҳли тайёрлаётган 68 хилдаги маҳсулот «Элинза» ёрлиғи билан истеъмолчиларга етказилаётир.

Иш билганга бозор иқтисоди шароитининг афзалликлари жуда кўп экан. Режасини тўғри йўлга қўйса, бирпасда бойиб кетиши ёки аксинча, пала-партиш иш юриса касодга учраб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Муҳими, ҳалол меҳнат эвазига топилаётган маблағни қандай мақсадга йўналтиришга кўп нарса боғлиқ. Ўтган даврда «Элинза» жамоаси ўз-ўзини маблағ билан таъминлаб, янги иш ўринлари яратиш қаторида ҳомийлик ва саховатли юмушларга ҳам эътиборни кучайтираётир.

Бир мисол. Якунланган йилда хомашё учун 144 миллион сўм сарфланиб, 15 миллион сўм соф даромад қўлга киритилди. Шу маблағ ҳисобидан вилоят болалар клиник шифохонаси, тез тиббий ёрдам, Урганч шаҳар она ва бола скрининг маркази, Тахиатош марказий, Нукус шаҳар кардиология шифохоналари, Тахиатош фахрий санаторийси, Хоразм вилоят силга қарши диспансерига 9 миллион сўмлик тиббиёт маҳсулотлари ҳадя этилди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам меҳнат жамоаси саховатли ишларни аллақачон бошлаб юборишган. Шу кунгача вилоят скрининг марказига 500 минг сўм, соғлиқни сақлаш бошқармасига 600 минг сўм, Мудофаа вазирлиги таркибидаги соғлиқни сақлаш бўлимига 1 миллион сўмлик тиббиёт маҳсулотлари бепул етказиб берилди.

Асосий эътибор тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатига ва янги-янги турларини кўпайтиришга қаратилаётир. Истеъмолчиларнинг талаби бўйича стол, стул ва уй-рўзғор буюмлари қаторида 37 хилдан ортиқ тиббиётга зарур дастгоҳлар ишлаб чиқарилаяпти. Яқинда бу ерда ана шу тизим учун 3 турдаги маҳсулотни тайёрлашга киришилди.

Улардан бири хусусида қисқача тўхталиш ўринлидир. Яъни шу пайтгача оғир операциялар учун тиббиётда қўлланиладиган камера масаласи эскирганлиги боис, соҳа мутахассисларини анча ташвишлантирарди. Айни пайтда республикада илк бор унинг ихчамлаштирилгани ва жаҳон талабига жавоб бера оладигани шу корхонада ишлаб чиқарила бошланди. Унинг афзаллиги шундаки, биринчидан, нархи арзон, иккинчидан, шифокорлар учун қулай. Шунингдек, тунда ишлайдиган ҳамшираларга дори-дармон олиб юрувчи аравачалар ва заҳира тиббиёт маҳсулотларини махсус сақлагичлар ҳам тайёрланмоқда. Муҳими, бу маҳсулотлар туриб қолмаяпти ва буюртмачилардан талаб ҳам кўпаймоқда. Масалан, Хазорасп туманидаги тиббиёт коллежи билан 165 миллион сўмга шартнома тузилди. Бундан ташқари, спорт инвентарлари, гимнастикачилар учун махсус тўшамалар ва бошқа зарур маҳсулотларга ҳам истеъмолчиларнинг талаби ортаётир.

Корхонада ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазасига, айниқса, эътибор кучайтирилган. Меҳнат аҳлининг ўртача иш ҳақи 50 минг сўм, мавсумларда эса 100-120 минг сўмни ташкил этаётир. Маошга қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам бериладi. Ёш ишчилардан Маримбой Ўрозов ва Неъмат Ортиқовлар корхона ҳисобидан ўқитилаяпти. Бундан ташқари, маҳалладаги 5 та ночор хонадон оталиққа олинган, 2 та хонадонга эса ойига 30 минг сўм хайрия қилинади.

Жамоа олдида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтиришдек, яхши ниятлар турибди. Бу юмушлар амалга ошса, қишлоқ ёшларидан кўпчилиги ишли бўлиши тайин.

**Элдор ЭРКИНОВ**

***Чорвачилик соҳаси билганга туёғидан шохигача даромад манбаи, дейишади. Шундай бўлса-да, унинг ташвишлари бисёр: қорамолга кеча ва кундуз бирдай қаралмаса, бир кундаёқ аҳвол ёмонлашиши мумкин. Хонқа туманидаги собиқ «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги тасарруфида жойлашган чорвачилик фермасини «Қувонч» фермер хўжалиги хусусийлаштирганда, аҳвол бир нави эди. Говмиш сигирлар зоти аллақачон йўқолиб улгурганди.***

## «ҚУВОНЧ» ЭЛГА ҚУВОНЧ УЛАШАЯПТИ

Фермер дастлаб ишни давлатдан кредит олишдан бошлади. Етарли маблағга эга бўлгач, қорамол бош сонини кўпайтирди ва зотини яхшилашга эътибор қаратди. Мана, орадан ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Бироқ изланишлар ва тажрибали чорвадорлар иш тажрибаси тармоқда ўзининг ижобий натижасини бераётир. Эндиликда ҳар бош сигирдан 12-15 килограмм сут соғиб олиниб, шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига ва тумандаги болалар боғчалари, касалхоналарига етказиб берилмоқда. Фақат ана шунинг ўзи билан банкдан олинган қарз қопланди.

Ҳозирги пайтда фермер чорвачиликка ихтисослашиб қолмасдан, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан ҳам шуғулланаётир. 110 гектар майдонда ғалла ва пахта экилади. Давлатга ортиғи билан маҳсулот сотилиши қаторида 70 нафар киши доимий иш билан банд. Ўтган мавсумда жамоа сарф-харажатдан ташқари 56 миллион 776,8 минг сўм соф даромад олди. Унинг бир қисми тармоқни ривожлантириб, янги техникалар сотиб олишга йўналтирилди. Қолгани эса ижтимоий масалаларни ривожлантиришга сарфланаётир.

Тумандаги Мадир қишлоғида барпо этилган маҳалла гузари, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси, бичиш-тикиш цехи, ғишт заводи, савдо тармоқлари, шунингдек, янги барпо этилаётган истироҳат боғи ва яна бир қатор иншоотлар «Қувонч» фермер хўжалиги саъй-ҳаракати билан бунёд этилиб, шу жойда истиқомат қилаётган аҳоли ихтиёрига топширилган ва ўнлаб ёшлар иш билан таъминланган.

**Азимбой ҲАМДАМОВ**

## ОЛИСЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ

Гўзаллик маъбудаси қиёс қилинадиган бадиий гимнастикани ривожлантириш учун Хоразмда каттагина ютуқларга эришилмоқда.

2003 йилда вилоятда ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини республика босқичида учинчи ўринни эгаллаган қизларимиз орасида шахсий биринчиликда қатнашиб ўзининг чиройли маҳоратини намойиш этган Наргиза Пирниёзова "Нафосат маликаси" номинациясига сазовар бўлган эди. Яқинда у Германияда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда фаол иштирок этди. Наргиза билан биргаликда 13 яшар Нилуфар Рўзиматова ҳамда Севинч Сатторовалар ҳам республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Хоразмлик гимнастикачи қизлар Крефельда ўтказилган бадиий гимнастика гала шоусида иштирок этишгандан сўнг қарийб 5 кун мобайнида Ливеркузен шаҳридаги бадиий гимнастика мактабида немис тенгдошлари билан машғулотлар ўтадилар.

Ҳа, Наргиза ва Нилуфарларнинг бадиий гимнастика бўйича қўлга киритган ютуқлари талайгина. Шу боисдан ҳам иккала қиз Ўзбекистон терма жамоаси сафига жалб этилиб, спорт усталиги талабларини бажарди.

Ҳозирда улар республика миқёсида ўтказилган мусобақаларга жиддий тадорик кўрмоқдалар. Қисқаси, қизлар Назокат ва Нафосат сари интилмоқдалар.

*Ижтимоий ҳимоя*

***Ҳар тонг қадрдон бўлиб қолган далага эртароқ чиқаман. Ишга шошилиб келаётган ҳамкасбларимга ҳавас билан боқаман. Уларнинг чеҳрасида мамнунликни кўриб, қувонаман. Чунки кўп нарса кайфиятга боғлиқ. Агар инсон ҳаётидан, касб-коридан, эришган ютуқларидан кўнгли тўлса, жўшиб меҳнат қилади, ишида унум бўлади.***

## Маҳсулот ҳам, хомашё ҳам ЎЗЛАРИДАН

Жамоамиз меҳнат қилаётган «Уста Матсафо» фермер хўжалиги Шовот туманида жойлашган. 33 гектар ташландиқ ерга дастлабки кетмон урилган кезларда келажакда шу жойдан тонна-тонна буғдой ва пахта етиштирамиз, деб ўйламагандик. Аммо ҳафсала, ишбилармонлик бўлса, инсон ҳар нарсага қодир эканлигини кичик жамоамиз мисолида кўраяпмиз.

Фермер хўжалигимизга Шуҳрат Ўдабоев раҳбарлик қилади. Албатта, минг ишчига бир бошчи, деганларидек, ишлаб чиқаришнинг изга тушиши ва меҳнат аҳлининг ижтимоий қўллаб-қувватланиши унинг саъй-ҳаракатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай бўляпти ҳам. Ўтган йилларда 30 нафардан зиёд ишчилар ва улар оиласи ижтимоий ҳимояга олингани ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларида янги технологияларни қўллаб, соҳа пухта ўзлаштирилганлиги сабабли мўл-кўл маҳсулот етиштиришга эришилаётир.

Масалан, буғдой етиштириш бўйича ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида 13 центнерга ортди. Пахтачиликда бу кўрсаткич янада самарали. Ҳар йили белгиланган режалар ортиғи билан уддаланиб, миллионлаб сўм соф даромад кўришга эришилаётир.

Жамоамиз аҳли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмасдан, иш йўналишини бозор шароити талабларига мослаштириб бораётгани ўз самарасини бераётир. Хусусан, фермерлик таркибига кичик саноат корхоналарини олиб киришга эришилди. Ҳозирги кунда макарон ишлаб чиқариш цехи, шоли оқлаш, ун тегирмони, сутни қайта ишлаш цехлари бир маромда фаолият кўрсатиб, уларда 15 нафар киши ишлаётир.

Муҳими, зарур хомашёни узоқдан келтирмаймиз. Ҳаммаси ўзимизда етиштирилади. Бу иқтисодий тежамкорликка ва ўзимизни доимий маблағ билан таъминлашга имкон бераётир.

Хўжалик кам таъминланган хонадонларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратган. Масалан, маҳалламиздаги мактабнинг 4 нафар ўқувчиси оталиққа олинган. 3 нафар боқувчисини йўқотган кишиларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашилади.

Ишсизлик масаласи шу куннинг жиддий муаммосига айлангани сир эмас. Лекин бу муаммо фермер хўжалигида ечимини топаётир. Айни вақтда бу ерда 50 нафарга яқин киши доимий иш билан банд. Жорий йилда қишлоқ хўжалигидан кўзланган натижага эришилса, саноат корхоналарини янада кенгайтириш режаларимиз бор.

**Рўзмат ОРТИҚОВ, «Уста Матсафо» фермер хўжалиги касаба уюшмаси раиси**



*Ислоҳот мевалари*

## КЎНГЛИ ОЧИҚНИНГ ЙЎЛИ ОЧИҚ

(Боши 1-бетда)

Фермер бойиса, элга нафи тегади, деган гап бежизга айтилмаган. Ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайгани сайин, даромад ҳам шунга лойиқ бўла бошлади. Натижада истиқболли шартнома асосида банкдан қарз олиниб, фермерлик қошида кичик саноат корхоналарини қуришга киришилди. Ишбилармонликнинг шаклланганини ва мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, одамлар меҳнати қадр топаётганлиги сабабли эндиликда хўжаликда етиштирилаётган ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам арзонлиги ва сифатлилиги билан ўз истеъмолчиларини топган.

Мавжуд цехларни кенгайтириш ҳисобига маҳсулот турлари ҳам кўпаётир. Масалан, ўтган даврда 112 тонна сут қайта ишланиб, 502 килограмм сметана, 840 кило пишлоқ, 700 кило қаймоқ ҳамда нон ва нон маҳсулотларидан 62 тоннаси аҳолига етказиб берилди.

Фермернинг саъй-ҳаракати билан 35 нафар киши доимий иш билан банд. Меҳнат аҳли ижтимоий муҳофазага олинган. Байрам ва тадбирларда улар қўллаб-қувватланилади. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилинган ҳолда ишловчиларнинг фарзандлари ёзги таътилларда соғломлаштирилаётир. Вилоятдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, марказий шифохона ва 4 та қишлоқ врачлик пункти жамоаси фермер саховатидан манфаатдор.

Кўплаб ишбилармонлар қаторида «Баҳром» фермер хўжалигининг ҳам бу жойда ўз ҳисоб рақами ва ҳалол меҳнат ҳисобига орттирган миллионлаб сўм маблағи бор. Жамоа аҳлининг айтишича, саховатли фермер яқинда яна бир хайрли ишни бошлабди: яъни ён-атрофдаги аҳвол ўрганилиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикиш-бичиш цехини қуришга киришилибди.

**Саид МАЛИКОВ**

***Агросаноат мажмуи тармоқларида ислоҳотларнинг кенг кўламда барқарорлашаётгани қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришга ва сифатли маҳсулотлар етиштиришга асосий омил бўлаётир. Экин майдонлари истиқболли шартнома бўйича мулкдорларга топширилиши мақсадга эришишнинг устувор йўналишига айланмоқда.***

*«Бандлик» дастури*

## ИШБИЛАРМОНМИСАН? иш ўрни ярат!

Ўз-ўзини иқтисодий қоплолмаётган ширкатлар негизида фермер хўжаликларини тузиш ҳаракати икки йил аввал бошланганди. Таҳлил ва тажрибалар бу усулнинг афзалликлари кўплигини кўрсатаётир. Шу сабабли эндиликда мавжуд ширкат хўжаликларининг барчаси фермер ва ишбилармон деҳқонлар ихтиёрига топширилган. Ўз-ўзидан маҳсулот етиштириш ҳамда одамларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий масалалар қай тарзда ечимини топаётир, деган ҳақли савол туғилади.

Қуйидаги таҳлилларга эътибор қилинг. Ўтган мавсумда 4254 та фермер хўжаликлари давлатга дон сотиш режасини 50 минг 412 тоннага уддалаб, ҳосилдорликни гектар бошига ширкатдагига нисбатан 6-7 центнер ортишига эришдилар. Ёки режалаштирилган сарф-харажатларнинг тенг ярими тежаб қолинди. 7983 та фермер хўжаликлари эса пахта хомашёсини сотиш бўйича контрактация шартномаларини 208 минг 500 тоннага ўринлатишди. Шу сингари агросаноат мажмуида чорвачилик билан шуғулланишга бел боғлаган тадбиркорлар аввалги йилларга нисбатан қорамоллар бош сонини ўстирди ва соҳадан бир неча турдаги маҳсулотларни етиштириб, истеъмол бозорини таъминлади. Чунончи, қорамоллар 28 минг 86 бошга кўпайиб, 1535 тонна гўшт, 6536 тонна сут. 1 миллион 110 минг дона тухум ва бошқа кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Қайд этилган рақамлардан кўриниб турибдики, давр қўяётган талабларни тўғри англаш ва унга оғишмай риоя этиш натижаси кутилган самарани бермоқда. Бу ишлар замирида замин заҳматкашларининг қишлоқ хўжалиги соҳаларини пухта ўзлаштирганини ва ҳалол меҳнати ётибди.

Собиқ ширкат хўжаликлари негизида 15 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил топди. Унинг бизнес-режаси ҳам, иш кўлами ҳам анча ихчам ва мақсадли. Шу боис у, ширкатдаги сингари ўнлаб, юзлаб кишиларни иш билан таъминлолмаслиги, ортиқча ишчи кучига эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам хўжаликдан бўшаб қолган одам ўзи сингари миришкор ёки маҳалладоши. Боз устига, қишлоқ шароитида ҳадеганда ишлар топилавермайди. Шунга қармасдан, ширкатлардан бўшаган меҳнат аҳлининг деярли барчаси доимий иш ўрнига эга бўлишига эришилди. Ҳозир улар ихтиёрида 92 минг нафар киши бор. Ишчиларнинг ярмидан ортиғи, яъни 56 минг нафари хотин-қизлардан иборат.

«Бандлик» дастурини ҳаётга татбиқ этишда жойларда фермерлар билан меҳнат шартномалари тузиб, ҳамкорлик қилиб келаётган касаба уюшмалари вакилларининг алоҳида ўрни бор. Бунда ўзаро келишувларга биноан тадбиркорларнинг имкониятларидан самарали фойдаланилаётир. Яъни кичик саноат корхоналарини ишга тушириш, миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни йўлга қўйиш билан 180 дан ортиқ тикиш-бичиш цехлари барпо этилди. Қишлоқ ёшлари қаторида уйда ўтириб қолган юзлаб хотин-қизлар қайта ихтисослаштирилиб, касб-ҳунарга йўналтирилмоқда.

Ижтимоий масалаларни ривожлантириш соҳасида фермерлар саъй-ҳаракати эътиборга молик бўлаётир. Кейинги йиллар оралиғида Хива, Қўшкўпир, Янгибозор, Хазорасп ва Хонқа каби туманларнинг бир қатор мактабларида уларнинг кучи билан спорт заллари қурилиб, ёшларга туҳфа этилди. Ёки шу туманларда маданий дам олиш масканлари, замонавий типдаги қишлоқ гузарлари қуриб берилди.

Албатта, ушбу йўналишдаги хайрли ишларни янада кучайтиришда малака ва кўникмалар, илғор тажрибаларнинг асқотиши табиий. Шунинг учун мутасадди ташкилотлар ташаббуси билан фермерлар ўқувига катта аҳамият берилаётир. Вилоятнинг Урганч ва Хива шаҳарларидаги бизнес мактабларида 60 нафар, хорижий халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида 110 нафар ҳамда чет мамлакатларда 2 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари билим кўникмаларини ошириб, эндиликда ўрганганларини ишлаб чиқаришга қўллашмоқда.

**Саҳифани «Ишонч» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ уюштирди**

# ХАЛҚНИНГ ҲАЛОВАТИ ТИНЧЛИК ТУФАЙЛИ!

Бугуннинг гапи

публицистика

(Боши 1-бетда)

Бола эканман-да, бир куни бободан сўрадим:

–Чўтбойип бова, сиз урушдан қўрқасиз-а?

Бобо жим:

–Кўрмагансан-да, болам, билмайсан. Илоё, кўрмагинам.

–Чўтбойип бова, уруш чиниминан қўрқинчли-я?

–Ҳа, болам. Ҳамма-ҳаммасидан ўқ овози қўрқинчли. Ўқ овозидан қўрқаман. Ўқ овози эшитилса, бу ҳаётнинг файзи кетади.

Бобонинг тинчликка шукрона айтиши замирида белбоғидаги бурда нон ва бир қултум сувни ҳам осойишталик туфайли одамзотга татишига ишора бор эди. Бобонинг шундай тамадди қилишида ҳам биз – болалар ҳали англаб улгурмаган бир ҳикмат бор эди. Одам боласига кўп нарса керак эмас, деган фалсафа эди бу!

Агар бошингиздан ўқ учиб турса, еган-ичганингизда ҳаловат бўлмайди, томоғингиздан сув ҳам ўтмайди. Мана шу ноним, ичаётган сувим сокин кунлар туфайли менга татияпти, менга ҳузур бағишлаяпти дегани эди бу бобонинг.

Бобо раҳматли рост айтган экан. Ўзим тақдир тақозоси билан афғон урушида иштирок этгач англадим. Ўҳ, уруш ёмон, тепангда ажал ўқи визилласа ичэтингни қўрқув кемиради, ботинингни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. Гарангсиб қоласан, одам бўлиб яралганингга пушаймон ейсан.

Биз тинчликнинг қадрига етишимиз керак. Агар биз яшаётган замин осуда бўлса, гул-дарахтлар кўкариб турса, бошимизда қушлар чарх урса, ҳеч кимдан қўрқмай, ҳадиксирамай кун ўтказсак, одамга ўхшаб умр кечирамиз. Эрталаб дастурхонимиз атрофида бола-чақамиз билан тинчтотув нонушта қилсак, ишга бориб, оиламиз бағрига омон-эсон қайтсак, шунинг ўзи саодат. Худо кўрсатмасин кўча-кўйда тўс-тўполон, ким-кимни отган, ўлдирган, портлатган ҳолни кўз олдингизга келтиринг; даҳшат-ку бу! Бола-чақангиз оёқ остида қолиб кетса, ўзингиз ит азобида жон ҳалак югургиласангиз, қирғин-қиёматнинг ичида яшасангиз, бундан ортиқ даҳшат борми? Тинчлик бир кунга дарз кетса, қирқ кунлик ҳаловат йўқолади. Бундай кун ҳеч қачон элимизнинг бошига тушмасин. Улуғ адиб Эрнест Хемингуэй: “Наҳотки инсоният тинчликнинг қадрига етиши учун бир марта бўлса ҳам урушнинг азоб-уқубатларини бошдан кечириши шарт бўлса?...”, деб зорланганди.

Бугунги тинч, осуда ҳаётимизнинг қадрига нонкўр, ношукур одамларгина етмаслиги мумкин. Гўёки, ҳамма нарса жуда осон, оддийлик билан юз бераётгандай, шаҳарларимиздаги осудалик, осмонўпар бинолар маҳобати, гўзал боғу роғлар, тинч ва равон йўлларни шундайгина, осмондан тушган деб ўйлагувчиларгина, турли-туман иғво ва ғавғоларга учиб, ингиллаб ғингшишади, зорланишади. Очиғи, бола-чақасини яхши кўрмайдиган, элининг осудалигини хоҳламайдиганлар, худо кўрсатмасин, Ватаннинг тинчлиги улуғ неъмат эканлигини тушунмаганларгина тинчликнинг қадрига етмаслиги мумкин.

Ўзбек халқи ҳамиша тинчлик истаб келган, бутун рўйи-заминга тинчлик тилайдиган халқ. Агар мамлакатимизнинг чекка ҳудудларини ҳам бориб кўрсангиз гувоҳи бўласиз. Одамлар боғ яратяпти, улкан иморатлар барпо этяпти. Ғалла экяпти, пахта экяпти, йўллар, кўприклар қуряпти. Дарахт экаётган одам борки, эртасидан умиди бор. Сокинликка ишонган одамгина дарахт экади, худди шундай ўйдаги халқ боғ яратади. Ўзбек халқи доимо шундай кайфиятда бўлиб келган.

Яқинда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида бўлдим. Туман раҳбари Неъматулла ака Худайбергановбилан чекка қишлоқларни айландик. Одамлар ўз иши билан банд. Ерни гуллатиб яшнатишмоқда. Бу шунчаки ҳавойи гап эмас. Бориб кўринг, ишонасиз. Истиқлолнинг ўн беш йиллиги арафасида қад-бастини ростлаб янада чирой очиб бораётган шу тумандаги ўзгаришларнинг ҳар қайсиси бир китоб бўлгудай. Бундай туманлар эса мамлакатимизда қанча!

Туман маркази – Бўстон шаҳри. Саҳрода ям-яшил, гуркираган шаҳар пайдо бўлган. Шаҳарнинг замонавий типда бунёд этилганига ҳангу-манг бўласиз. Дов-дарахтлар, терак-толлар гуркираб ўсган, гуллар чаман-чаман. Санъат саройи, амфитеатр, хотира хиёбони, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, коллежлар, спорт майдонлари истиқлолнинг улуғ моҳиятидан сўзлайди. Энг муҳими, одамлар ишлаяпти. Саҳрони ёриб оққан Бўстон канали тасмадай ялтирайди. Бир оғиз гап билан айтганда, мўъжиза.

–Элимизда тинчлик бўлсин, юртимиз бундан-да гуллаб-яшнайди, — дейди Неъматулла ака.

–Туманимизнинг ободлиги, одамларимизнинг эртанги кунга ишончи тинчлик туфайли. Ишлаш учун биринчи галда тинчлик керак, - дейди тумандаги сўлим ва гўзал Ботаника боғи ишчиси Мирза ака.

–Деҳқон учун ер, бошда чарақлаган офтоб, оби ҳаёт – энг муҳими, юртнинг хотиржамлиги кифоя. Биз ер билан сўзлашишни, ердан ризқ қидиришни дўндирамиз. Юртимизда таҳликали кунлар бўлишидан Худо асрасин. Халқимизнинг феълирўйини тушунмаганлар бу ерда ҳам нотинчликни юзага келтираман деб хомтама бўлишади, - “Гулдирсин” овулида яшовчи фермер Азамбой оға Ризаевнинг фикри шундай. Хуллас, ҳатто саҳроларда ҳам бўй кўрсатган Элликқалъа сингари қанчалаб туманларимиз бор. Ана шундай жойларда ҳам халқ яратувчанлик қудратини намоён этмоқда. Яратаётган халқнинг эса шуурини эзгулик нури ёритган бўлади. Тинчликнинг энг гўзал ҳикмати шу эмасми, аслида?!

Туманда маданият муассасалари ривожланганини шундан ҳам билса бўладики, 32 та кутубхона, 12 та клуб мунтазам равишда ишлаб турибди. Ёш авлод баркамоллиги йўлида қилинаётган ишларимизга ҳамоҳанг тарзда туманда яна бир Мусиқа ва санъат коллежи истиқлолимиз айёми арафасида ишга тушиши мўлжалланмоқда. Айниқса, спорт, болалар спортининг ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол. Гапимизнинг исботи учун қуйидаги фактларни келтириб ўтсак айни муддао.

Элликқалъада бугун 7 та замонавий теннис корти, 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион, шунингдек, яна 2 та 5 минг ўринлик ўйингоҳ, 20 та футбол майдончаси, 28 та спорт зали, 35 та кичик футбол, 68 та волейбол, 43 та баскетбол, 32 та қўл тўпи майдончалари мавжуд. Ҳозирги кунда Ёпиқ сув ҳавзаси ҳам қурилмоқда. Энди юқорида айтганимиздек, маданият ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан республикамизнинг бошқа кўпгина туманлари билан муқояса қилиб кўрсак, Элликқалъа нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда замонавий қиёфада шаклланиб бораётган пешқадам туманлардан бирига айланганини кўрамиз.

Асримизнинг мўъжизавий бунёдкорликларидан бири деб эътироф этилаётган “Учқудуқ – Мискин – Султон Увайстоғ” темир йўли ишга тушиши муносабати билан туманда ҳашаматли вокзал биноси қад ростлади. 600 ўқувчига мўлжалланган лицей, Молия-бизнес маркази, замонавий супермаркетлар, фермермаркетлар, ўнлаб мини-маркетлар... бари-бари иқтисодий ислоҳотлар йўлида дадил одимлаётган чекка туманнинг бугунги қиёфасига чизги бўлади.

Яқинда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун туманда хусусий шоҳбекат ҳам ишга тушди.

Мен нега буларни номма-ном санаяпман. Айтиш жоизки, мустақиллик бизга нима берди, деган савол қаршисида дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрсак, аввало, истиқлол ишлайдиган, ўз келажагини ятатаман, деган халқ учун имкониятлар эшигини кенг очиб берганини, керак бўлса, дунёга йўл бошлаганини эътироф этмоқ керак. Юқорида битта туман миқёсида келтирган мисолларимиз ҳазилакам гаплар эмас. Эслаб кўринг-а, товуқ катак қураман, десак ҳам собиқ шўро даври сиёсатининг зуғумига дучор бўлардик. Кимнингдир рухсатини кутардик, хайр-садақа сўрагандай кимнингдир қўлига қараб ўтирардик. Шундай бўлгач, қандай қилиб тараққий топасиз, шундай бўлгач, куним ўтса бўлди, дунё билан нима ишим бор, эртага бир гап бўлар, деган танбал кайфиятга тушиб яшайверасиз-да.

Шукрки, истиқлолимиз, юртимиздаги бунёдкорлик имконияти бундай тушкунликдан халос этди. Истиқлол нури шууримизни янгилади, ботинимизда ғайрат-шижоат алангасини ёқди. Бу ҳолни элликқалъаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун фахрифтихор билан айтиш мумкинки, туманда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида эътибор қозонмоқда. Дунёнинг илғор тадбиркорлари диққатини тортмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Элликқалъада тўқимачилик мажмуи қуриш режаси тузилганди. Бу ният 1994 йил амалга ошди. Қум барханлари ўрнида, яп-яйдоқ чўлда “Элтекс” тўқимачилик мажмуи қад ростлади. Корхонада Италиянинг “Морцали”, “Рамадуумин”, “Сомет”, “Нокки”, “Римольди”, “Сибитекс”, Германиянинг “Дюркоп-адлер”, Туркиянинг “Сумер” ва “Даниш” русумли замонавий дастгоҳлари, тикув машиналари ўрнатилди. Корхона фойдаланишга топширилган йилдаёқ 42 миллион сўм соф фойда олди. Кейинги пайтда бу кўрсаткич бир неча ўн баробар ошди. Акциялар учун ҳиссадорларга тўланадиган дивиденд миқдори ҳам тобора ошиб борди.

Бундан ташқари, Элликқалъада россиялик ишбилармонлар билан ҳам кенг миқёсда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Бугун айрим сиёсатдонлар, хорижлик «билимдонлар турли хил «рангин инқилоб»лар ғояси билан жойларда, жумладан Марказий Осиёда ҳам беқарорлик келтириб чиқаришга уринишмоқда. Лекин улар чучварани хом санашибди. Ёзув мақсадларига ҳеч қачон ета олишмайди.

Халқ билади, англайди. Бизга тинчлик керак. Осудалик керак. Саодатли онлар бу, тинчлик онларидир.

Чўтбоев бобонинг айтган гаплари эса ҳеч қачон қадрини йўқотмайди. Асл ва лўнда, бўлари гап эди Чўтбоев бобонинг гапи:

— Ўқ овози эшитилса, бу ҳаётнинг файзи кетади...

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**



Юртимиз тинчлигини сақлаш, шу гўзал заминимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Аммо унинг бугунги тинч ва осуда кунларига ички ишлар идораларида меҳнат қилаётган азамат инсонларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Ҳозирги кунда Наманган вилояти ҳудудида 395 та милиция таянч пунктлари ташкил этилган. Жумладан, мазкур милиция таянч пунктларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталигини сақлаш борасида 411 нафар профилактика инспекторлари самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Шунингдек, маҳаллаларда фаолият юритаётган минг нафардан ортиқ посбонлар халқ орасида юриб, тинчлик ва осойишталик барқарорлигига эришиш мақсадида, бу ишга ўзларининг баҳоли-қудрат ҳиссаларини қўшмоқдалар.

***Суратда: маҳалла посбони Қобилжон Саидов.***

**Ҳ.МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар*

# ҲАММАСИ ҚОНУН ДОИРАСИДА

## ҳаммаси адолатли

(Боши 1-бетда)

— Ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг яна бир омили — меҳнаткашлар орасида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни тарғибот қилишдир, — дея фикрини давом эттиради Ш. Тожибоев. — Бу йўналишда касаба уюшмалари ўз фаолиятларини учрашувлар, семинар-машғулотлари ўтказиш, матбуотда чиқишлар қилиш, турли қўлланмалар тайёрлаш орқали ҳам олиб бормоқдалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қонуний ҳуқуқ ва бурч бўйича билимларни нафақат ходимлар, балки иш берувчилар ҳам етарли даражада ўзлаштирган эмас. Айниқса, соғлиқни сақлаш, АСМ тизимлари ҳамда касб-ҳунар коллежларида бу борадаги ишлар оқсамоқда.



Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалида меҳнат қонунчилиги бўйича ишчи-хизматчилар, айниқса, хотин-қизларга берилган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш аҳволи ўрганилганда, жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Иш берувчи барча ишга қабул қилинганларга 3 ойлик синов муддати ўрнатган. Қизиғи, бола тарбиясидан қайтган аёлларга янгидан меҳнат шартномалари тузилиб, уларга ҳам уч ойлик синов муддати қўйилган. Меҳнат Кодексининг 92-моддасига зид равишда ходимларнинг розилигисиз меҳнат шартномалари қўпол тарзда бузилмоқда. 40 нафар янги иш бошлаган ҳамширалар билан тузилган меҳнат шартномасида улар бир штат бирлигида ишга қабул қилиниб, амалда эса 0,75 ставкада иш ҳақи тўлаб келинган. Юздан ортиқ хотин-қизларга берилган касаллик варақаларига қонун доирасида ҳақ тўланмаган. Бу каби нуқсонларга бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси А. Искандаров ҳамда вилоят тармоқ касаба уюшма вакиллиги раҳбарларининг томошабин бўлиб қолаётгани ачинарли, албатта.

Ўтган йилда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ҳуқуқий масалалар юзасидан келган ариза ва шикоятлар оқими кўпайган. Йил давомида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 97 та, бошқа ишга ўтказиш ҳақида 62 та, меҳнат дафтарчасини кечикиб бериш ва ҳисоб-китоб қилмаслик тўғрисида 21 та, иш ҳақи масаласида 241 та, меҳнат таътили тўғрисида 38 та, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақа тўлови ҳақида 42 та, болалар нафақаси юзасидан 27 та, етказилган зарарни қоплаш тўғрисида 12 та, иш билан таъминлаш ҳақида 19 та ва бошқа масалаларда 428 та ёзма мурожаатлар қилинган. Оғзаки мурожаатлар эса 218 тани ташкил этди.

«Зарбдор» қишлоқ хўжалиги коллежи ходими Н.Ўтегенов, Жиззах «Матлуботчи» МЧЖ ходими В. Худойбергановлар иш ҳақини ололмаётганлиги ҳақида мурожаат қилишган бўлса, «Жиззахдон маҳсулотлари» корхонаси ишчиси А.Куролов, «Халқ банки»нинг Мирзачўл туман бўлими ходими Ў. Нурбоева ноқонуний ишдан бўшатилгани ҳақида арз қилишган. Шу сингари келган мурожаатларнинг асосий қисми қаноатлантирилди. Йил давомида касаба уюшма аралашуви билан 739 минг 714 сўм иш ҳақи, меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилингани учун 568 минг 286 сўм маблағ аризачиларга ундириб берилди. Ходимнинг қонуний ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги 5 та ариза суд орқали кўрилиб, ижобий ҳал этилди.

Бу каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишда шубҳасиз кенгаш ҳуқуқшуноси Ш. Тожибоевнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ҳа, бу тажрибали ҳуқуқшунос жамоаларда қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, бу билан меҳнат кишиси ҳуқуқлари, манфаатларини давлат ва хўжалик органлари раҳбарлари олдида тўла ҳамда тенгма-тенг туриб ҳимоя қилиш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. У ўзининг самарали фаолияти билан жамоаларда касаба уюшмалари нуфузининг янада ортиб боришига эришаяпти.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратда: касаба уюшма жонкуяри, ҳуқуқшунос Ш.Тожибоев***

# ЮРТИНИ КЎРАЙ ДЕСАНГ

## бозорини кўр

Юртини билай десанг бозорини кўр, деган нақл бор. Бу ҳақиқат. Ҳар қандай меҳмон аввало бозорга қараб шаҳарнинг нақадар обод ва фаровон эканлигини белгилаб олган. Ҳозир ҳам шундай.

Хусусан, Янгийўл шаҳар бозори МЧЖ жамоаси ҳам бугунги бозор муносабатларини тўғри талқин қилиб иш юритмоқда.

Яқинда бозор ҳудудида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунга кўра 360 ўринли янги савдо павильони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, янги маъмурий бино, солиқ таянч пункти ҳамда янги дўкон иш бошлади.

— Бу ишларнинг ҳаммаси бозорда сотувчи ва харидорларга яратилган шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида амалга оширилмоқда, — дейди жамият раиси Йўлдош Мадумаров. — Бозор ҳудуди ободонлаштирилиб, 50 дан зиёд арча кўчатлари экилди. Янги гўшт маҳсулотлари сотиладиган павильон учун жой ажратилди. Ушбу павильонни ҳам тезроқ қуриб, фойдаланишга топширсак, сотувчи ва харидорлар учун яна битта қулайлик яратган бўлардик. Ҳозирда бу ишларни амалга ошириш учун фаол ҳаракат қилинмоқда.

*Қарор ва ижро*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича Юқори Чирчиқ туман давлат солиқ инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

# ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 88 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди. Натижада «Пиллакор» МЧЖ, «Ким Сунг папер» МЧЖ, «Ўзбекистон пахта тозалаш заводи», «Нон ишлаб чиқариш заводи» каби бир қатор корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ушбу қарор талабларини бажармаганлиги учун маъмурий жаримага тортилди.

— Биз жойларда асосий эътиборни тегишли қонун, қарор ва меъёрий ҳужжатларни атрофлича тушунтириб беришга қаратаяпмиз. Бу борада етарли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Дилшод Ғуломов.

Бундан ташқари, бугунги кунда долзарб бўлиб турган коммунал соҳадаги қарздорликни ундириш борасида ҳам қонуний назорат ўрнатилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг январ ҳолатига кўра 47 та юридик электр энергия истеъмолчилари қарзларини мол-мулкидан ундириш учун хўжалик судларига берилди. Улардан суд орқали қарздорлик суммаси ундирилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Лекин шунга қарамай баъзи тадбиркорлар билиб-билмай қонун талабларини бажармай келмоқда. Жумладан, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш учун назорат касса-машинасидан фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланмоқда. Бундай хусусий фирма ва тадбиркорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўллашга мажбур бўлиняпти.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

***Қувасойдаги “Кварц” акциядорлик жамияти ўз маҳсулотларининг экспорти ҳажмини оширди. Айни кунда корхонада тайёрланаётган турли сиғим ва кўринишдаги шиша буюмлар ҳамда қурилиш ойналари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондаги харидорларга етказиб берилмоқда. Йил таҳлилларига кўра “Кварц” тамғаси туширилган 1 миллион 738 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижга сотилган.***

Бу бежиз эмас. Мижозлар талаб ва истакларидан келиб чиқиб маҳсулотлар сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда корхона қошида “Алэста гласс” шўъба корхонаси ташкил этилди. Янги тармоқ йил давомида 250 минг дона турли сиғим ва кўринишдаги шиша маҳсулотлари тайёрлаб беради. Шунингдек, корхонадаги қозонлар ҳам қайта қурилди. Натижада хомашё тайёрлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш қувватлари бир кеча-кундузда 60 фоизга ортди, электр сарфи камайди.

Шу йилнинг дастлабки чорагида 7 миллиард 709 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилги иш кўламига таққослаганда қарийб 50 фоизга кўпдир.

— Бундан ташқари, қурилиш ва автомобил ойналари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида ҳам амалий ишлар қилаяпмиз, —дейди бош муҳандис Алберт Ли. —Ўтган йилда Фарғонадаги “Автоойна” корхонасига 100 минг квадрат метр ойналар етказиб бергандик. Бу йил эса, Фарғоналик ҳамкорларимиз буюртмалар ҳажмини етти ҳиссага оширди. “Самкочавто”, Тошкент трактор заводи, вагон ремонти заводлари ва мебелчилик тармоқлари учун 50 минг квадрат метрдан ортиқ тобланган ойналар тайёрлаб берамиз.

Тобора юксалиб бораётган корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йилда ўртача ойлик маош 116 минг сўм бўлган бўлса, бу йил 123 минг сўмдан ошмоқда.

**“Туркистон-пресс”**



# ЯНГИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Марҳамат туманидаги «Шўрқақир» қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсата бошлади. Замонавий тиббий ускуналарга эга мазкур шифо маскани тўрт минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Эътиборлиси шуки, энди шўрқақирликлар туман марказига қатнаб эмас, балки ўз қишлоқида соғлиқни тиклаш имконига эга бўлдилар.

Янги қишлоқ врачлик пунктида ўн уч нафар шифокор ва ҳамширалар тиббий хизматда.

**Суратда: ҳамшира Хафиза Умарова**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

# «КОЗА НОСТРА» БОШЛИҒИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

***Италия полицияси Сицилия оролидаги «Коза Ностра» уюшган жиноий гуруҳи раҳбари Бернардо Провенцанони ҳибсга олишга муваффақ бўлди. У 1963 йилдан буён қидирувда бўлиб, мамлакат суди томонидан сиртдан умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.***

РАТА-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Б.Провенцано Сицилиядаги Корлеоне шаҳарчасида ўз ҳамтовоқлариникида яширинча истиқомат қилиб келган. Айнан шу ерда у ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинган.

Полиция тинтув вақтида «Коза Ностра» бошлиғининг Сицилиядаги ва хориждаги хизматчилари билан ёзишмалари сақланадиган махфий жойни топди. Уларда одамларни гаровга олиш эвазига тўлов ундириш ва тадбиркорлардан чўтал йиғиш бўйича ҳисоботлар акс этганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур ҳужжатларда илгари мафия билан алоқадорликда умуман гумон қилинмаган шахсларнинг номи қайд этилгани аниқланди. Тергов манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг исмлари ҳозирча ошкор қилинмаяпти.

Б.Провенцано 1993 йилда «Коза Ностра»нинг ўша вақтдаги раҳбари Тото Риина ҳибсга олинганидан сўнг унинг ўрнини эгаллаган эди. Сицилиядаги уюшган жиноий тўда раҳбарининг қўлга олиниши Италиядаги таниқли сиёсатчилар томонидан мафияга қарши курашдаги улкан ютуқ сифатида баҳоланмоқда.

*Шарҳловчи минбари*

# ЧЕГАРАНИ КИМ ҚЎРИҚЛАЙДИ?

***Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос Миср билан чегарадаги назоратни ўз бошқарувига олди. Сешанба куни у ерга давлат бошлиғи ихтиёридаги махсус хавфсизлик кучлари жойлаштирилди.***

«Франс Пресс» ахборот агентлиги хабарига қараганда, айни вақтда президент гвардиясининг 150 нафарга яқин хизматчиси Миср чегарасидаги энг йирик Рафаҳ назорат масканини эгаллаган. У ерни қўриқлаётган, ХАМАС вакилларидан тузилган Фаластин ҳукуматига бўйсунувчи полиция бўлинмалари эса чиқариб юборилди.

М.Аббос халқаро ҳамжамият талаби билан шундай йўл тутишга мажбур бўлди. Чунки кўплаб ғарб мамлакатлари ХАМАС ихтиёридаги ҳарбий бўлинмалар чегара орқали ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар фаолиятига ва қўпорувчи тўдаларнинг кириб келишига тўсқинлик қилмайди, деб ҳисоблаётир.

Халқаро кузатувчилар Фаластин раҳбарининг чегара хавфсизлигини ўз назоратига олганини тўғри йўл сифатида баҳолади. Бироқ айрим мутахассислар мазкур масалада мутлақо бошқа фикрни билдирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, бундай чора тез орада Маҳмуд Аббос билан ҳукумат ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу хулоса асоссиз эмаслиги тезда аён бўлди. Фаластин раҳбарининг хатти-ҳаракатлари ХАМАС аъзоларида норозилик уйғотди. Чунки томонлар ўртасидаги давлатни биргаликда бошқариш борасида эришилган келишувга мувофиқ чегара назорати ҳукумат ихтиёридаги вазифа бўлиб қолиши керак эди.

**(ЎзА)**



# ҚЎЛ БИЛАН ГОЛ

## бундай қилишга фақат Марадонага «ижозат» берилган

**«Пахтакор» ички чемпионатимизда бўлгани каби Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳини ҳам бошқара бошлади. Бу куни кеча Тошкентда Эроннинг «Фулад» жамоаси билан кечган муросасиз ўйиндан сўнг маълум бўлди.**

Ўзаро учрашгунга қадар «Фулад» тўрт очко билан гуруҳ карвонбошилигини ўз қўлида сақлаб келаётган, тўплар нисбати ҳам ҳавас қиларли эди — 6:0. Бу, авваламбор Эроннинг амалдаги чемпиони ҳужумкорлиги-ю, ҳимояда метин қўрғонга эгалигидан далолат эди, албатта. Балки, шу боисми, «Пахтакор» мураббийлари майдонга тушириладиган таркиб борасида зарур бўлган эҳтиёт чораларни кўрган ҳолда ўйин тактикасини белгиладилар. Асосий эътибор ярим ҳимояга қаратилди. Бошқача айтганда, бир йўла беш ўйинчи майдон марказини эгаллашга жалб этилди. Ва, айтиш жоизки, бу охир-оқибат ўзини тўла оқлади. «Пахтакор» учрашув бошиданоқ ташаббусни қўлга олди.

Орзиқиб кутилган гол ҳам мухлисларни соғинтириб қўймади. Зайниддин Тожиев ҳимоя чизиғини ёриб кириб, ўзига томон ташланмоққа чоғланган Ҳасан Орийни доғда қолдириб, тўпни унинг устидан ошириб дарвозага йўллади. Меҳмонларнинг бироз саросимага тушиб қолганлиги ва ўз жамоаси муваффақиятидан руҳланган томошабинларнинг қўллаб-қувватлашидан куч олган пахтакорчилар бўлим охиригача ҳужумкорликни сусайтирмадилар. Бунинг натижаси ўлароқ танаффусга 2:0 ҳисобида чиқиб кетиш мумкин бўлди. Иккинчи гол шу куни диспетчерлик ролини қосимовчасига бажаришга астойдил ҳаракат қилган Сервер Жепаров томонидан амалга оширилди. Тўп жарима зарбасидан сўнг дарвозадан ўрин олганлиги ҳам фикримизни тасдиқлагандек гўё.

Иккинчи бўлим кутилганидек меҳмонларнинг ҳужуми билан бошланди ва кўп ўтмай И. Нестерев дарвозаси ишғол қилинди. Лекин бу ҳолат эронликларни қувонтирмади, балки қаттиқ ранжитди. Сабаби, Нодир Аҳмадий тўп йўналишини оёқ билан эмас, қўл билан ўзгартириб юборганди. Шундоқ ҳам биринчи бўлимда огоҳлантириш олган Аҳмадий иккинчи сариқ карточка билан сийлангач, майдонни тарк этишга мажбур бўлди. Эътироф этиш лозим, ҳакам Муҳаммад ал-Умар Саидий шу ўринда ҳушёрлик кўрсатди, натижада бир пайтлар афсонавий футболчи Диего Марадона Англия дарвозасини ишғол қилиб, қаҳрамонга айлангани каби мўъжиза такрорланмай қолди.

Мухлисларни, эҳтимолки, «Пахтакор» мутахассисларини ҳам таажжублантирган ҳол шундан сўнг юз кўрсатди. Камчилик бўлиб қолган «Фулад» ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборишни эмас, билакс, ҳисобдаги фарқни ўзгартиришни ўйлаб, тез-тез Игнатий Нестеревни безовта қилишга ўтди. Ва бу қандайдир маънода ўз самарасини берди. Гарчанд мақсадига эришолмаган бўлсада, ўз дарвозасидан ҳам тўп ўтказиб юбормади.

Биз бу манзарани кергидан ортиқ даражада шарҳлашга жазм этганимиз бежиз эмас. Қитъа чемпионлар лигаси «В» гуруҳида иштирок этаётган яна бир вакилимиз — Муборакнинг «Машъал» футболчилари Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоаси билан кечган ўйинда «Фулад» тушган вазиятда ўзларини йўқотиб қўйдилар. Иккинчи тайм ўрталарида бир футболчи кам бўлиб қолган «Машъал» ўз дарвозасидан яна икки тўп ўтказиб юборди. «Яна» деганимизнинг боиси бор, албатта. Шундоқ ҳам 0:3 ҳисобида ютқазаётган муборакликлар ушбу учрашувда жуда ёмон натижа қайд этиб, бундан буён ўзларини ўнглаб олиш қийин бўлган ҳолатга тушиб қолдилар.

Бу мамлакатимизда иккинчи жамоа мақомини олиб турган клуб мутасаддиларини мавжуд муаммолар устида жиддий бош қотиришлари лозимлигини англатади. Албатта, мағлубиятдан ҳеч бир жамоа кафолатланмаган, лекин буни оддий, энг ёмони, одатий ҳолга айланиб қолишига йўл қўймаслик даркор.

**М.ИБРОҲИМОВ**

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

# ТАБИБНИНГ ЎЗИ СОҒЛОМ БЎЛСИН

**Халқ орасида сизни даволаётган табибнинг ўзи соғлом бўлсин ёки табибнинг соғломига ишонинг, деган нақл юради. Зеро, чинакам табиб инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш йўлйўриғини излайверганидан ва бу борадаги талабга биринчи навбатда амал қилганидан ҳар томонлама соғлом бўлади. Демак, шифокорнинг соғлом бўлишлиги сизу бизнинг соғ-саломат бўлишлигимизнинг биринчи шартидир.**

— Аввало, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ва оила аъзоларининг соғлиқлари ҳақида қайғуриш фаолиятимизнинг бош мезони бўлмоқда, — дейди шу ҳақда сўз кетганда Наманган вилоят тармоқ кенгашининг раиси Муҳаббат Дадабоева. — Бу маъмуриятлар билан касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, мамлакатимиз тараққиёти тарихида «Сиҳат-саломатлик йили» сифатида из қолдирган 2005 йилда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 311.7700 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир ишловчига берилган моддий кўмак миқдори кескин кўтарилди ёки бошқачасига айтганда, агар 2003 йилда ҳар бир ишловчига шу мақсадда 27975 сўм маблағ сарфланган бўлса, якунланган йилда эса бу кўрсаткич салкам икки ҳиссага оширилди.

Ходимларни соғломлаштиришга эътибор тобора кучайтирилмоқда. Чунончи, Сиҳат-саломатлик йилида саломатлик ўн кунлиги ўтказилди ва унда 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган ходимларнинг асосий қисми иштирок этдилар. Саломатлик ва узоқ умр кўришнинг бош омили ҳисобланган спортни ривожлантириш ва шу йўналишда турли хил тадбирлар ўтказиш мақсадлари учун 9 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Оилавий шароити мураккаб ҳамда кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун 560 минг сўмликдан зиёдроқ ўқув қуроллари тақдим этилди.

Шифохоналарда жамоа шартномаларининг талабларига кўра ногиронлар, байналмилалчи жангчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга эътибор кучайтирилмоқда. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда соғлиқларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Масалан, соҳада ишлаётган 300 нафар ногиронни бепул тиббий кўрикдан ўтказишга ва шифохоналарда бепул даволашга эришилди. Жамоа шартномасига биноан 32 нафар байналмилалчи жангчига қисқартирилган иш куни жорий этилди.

Дарҳақиқат, одамларга шифо улашувчиларнинг турмуш даражаси ортиб, саломатликлари мустаҳкам бўлса, оиладан кўнгиллари тинч бўлса, ўз ишларига нисбатан эътиборлари шунчалик кучаяди, муолажанинг янада самарали бўлишига интиладилар, ўз соҳалари бўйича изланувчанликлари ортади, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида шунчалик кўпроқ изланадилар. Бинобарин тармоқ кенгаши ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишни кучайтириш йўл-йўриқларини излаб топмоқда ва ишга солмоқда. Бу нарсани ушбу йўналишда тузилган ҳамда ҳозирдан бошлаб қадамба-қадам амалга оширилаётган тадбир бандларидан ҳам кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ўринда ана шу муҳим ҳужжатдан айрим мисоллар келтириб ўтамиз. Чунончи, шу йилнинг ўзида тармоқда меҳнат қилаётган 102 нафар ишловчини соғломлаштириш кўзда тутилган ва бунинг учун 8 миллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг беморлик чоғларида уларнинг дори-дармонга нисбатан эҳтиёжларини қоплаш учун 500 минг сўм маблағ сарфлаш режалаштирилди. Ногирон, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, байналмилалчи жангчилар, Чернобил ҳалокатида қатнашиб касалликка чалинган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсади учун 500 минг, кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг янги ўқув йилига ҳозирланишларига кўмак кўрсатиш мақсадида 600 минг сўм, ходимлар фарзандларининг ёзги таътилларини кўнгилли ўтказиб соғлиқларини мустаҳкамлаб олишлари учун касаба уюшма бюджетидан 3 миллион сўм, ижтимоий суғурта ҳисобидан эса 6 миллион сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда. Ана шу маблағ ҳисобига тармоқ ходимларининг 500 нафар ўғил-қизини соғломлаштириш, жумладан, уларнинг 102 нафарини бепул дам олишларига эришиш режалаштирилган.

Ёлғиз ва қаровчисидан айрилган қариялар ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб бориш, зарурат туғилганда моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш чоралари ҳам кўзда тутилмоқда. Булардан ташқари, вилоят «Бешкапа» болалар санаторийси, 6-сонли махсус Меҳрибонлик уйи, Косонсой тиббиёт санитария қисми, Наманган тиббиёт коллежи ётоқхонаси вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши томонидан ҳомийликка олинди ва улар йил давомида ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб бориладилар. Шунингдек, «Пахталикўл» сиҳатгоҳида ходимларни арзон нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Тармоқ кенгаши ходимларни юқорида тилга олиб ўтилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилибгина қолмасдан бошқа қатор ташкилий тадбирларни ҳам амалга оширишни режалаштирган. Масалан, йил давомида вилоятдаги мавжуд тиббиёт коллежларида, шаҳар ва туманлардаги ижро масканлари жамоалари ўртасида спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиб борилади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Умр мазмуни*

# ФИДОЙИЛАР КУНДА ТУҒИЛМАЙДИ

**Муаллим ёш авлодни эзгулик руҳида тарбияловчи зотдир. Зеро, у ҳамиша келажак ўйи, эртанги кун эгалари учун мустаҳкам пойдевор яратиш ташвиши билан яшайди. Шу нуқтаи назардан қараганда муаллим зиммасидаги масъулиятнинг нечоғли залворли ва оғир эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.**



«Устоз ўгити-келажак калити» деб бежизга айтишмаган аҳли донишлар. Ҳатто оламшумул кашфиёт яратишга бел боғлаган алломалар ҳам устоз сабоғига таянар экан. Нигора Қурбонова ана шундай бахтга эришган билимдон ва қалби дарё муаллимлардан. У ҳар бир дарсини замон талаблари асосида ташкил этиб, ўқувчиларга чуқур билим беришга ҳаракат қилади.

Ўқитувчилик касбига ҳавас Нигора опага отасидан ўтган бўлса ажаб эмас. Отасининг ёшларга фан сирларини ўргатиш борасида сидқидилдан ёндошиши, маҳорат билан дарс ўтиши ёш Нигора қалбига чўғ ташлади. Мозийни ўрганишга, ўтмишда кечган воқеалар ва аждодларимиз ҳаётидан воқиф бўлишга нисбатан кучли қизиқиш уни Қарши Давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши Давлат университети)нинг тарих факультетига ўқишга етаклади. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан битириб, ўзи ўқиган мактабда ўқувчиларга дарс бера бошлади. Кейинчалик ҳаёт тақозосига кўра оиласи билан пойтахтга кўчиб келиб, Ҳамза туманидаги 255-мактабда ўз фаолиятини давом эттирди. Мана қарийб ўн беш йилдан буён шу масканда ёшларнинг тарих ҳақидаги билимларини кенгайтиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Н.Қурбонованинг ўқитувчилик фаолияти давомида қатор муваффақиятларга эришгани эътиборга лойиқ. У 2000 йилда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичида фаол иштирок этиб, «Фидойи ўқитувчи» кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўқитишнинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида 6-7-синфлар учун Ўзбекистон ва жаҳон тарихи фанлари бўйича тайёрлаган бошқотирмалари китобча шаклида чоп этилган. Шунингдек, икки йил бурун 10-11-синфлар учун «Жаҳон тарихи» ва 8-синф «Ўзбекистон тарихи» дарсликларининг тайёрланишида тақризчи сифатида иштирок этди. Яқинда эса «Тарихни янги педагогик технология асосида ўқитиш» мавзусидаги методик қўлланмаси республика Таълим марказида нашрдан чиқарилди. Айни пайтда у республика ўқитувчилари конференцияси делегати, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси сифатида катта обрў-эътиборга эга.

Жонкуяр муаллим етук мутахассис бўлиш билан бирга фаол жамоатчи ҳамдир. Нигора опа ёш қизларни келгуси ҳаётга тайёрлаш учун «Моҳир зардўзлик» тўгарагини олти йилдан буён бошқармоқда. Унинг чевар шогирдлари бухороча зардўзлик санъати сирларини мукаммал эгаллаб, турли танловларда қатнашишмоқда.

Жорий йил ҳам Нигора Қурбонова учун муваффақиятли келди. Февралда унинг иш тажрибаси пойтахтлик педагоглар ўртасида оммалаштирилган бўлса, ўтган ойда шаҳар миқёсида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида тарих ўқитувчилари ичида ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Унинг ҳали режалари бисёр. Нигора Қурбонова ёшларнинг севимли устози бўлиш бирга оиласи учун яхши бека, меҳрибон она вазифасини ҳам бекаму кўст уддалайди. Фидойи муаллимага ҳаётда яна кўплаб эзгулик ниҳолларини кўкартириш нияти куч-ғайрат бағишлаб турибди.

**Шаҳло РАҲИМОВА**

# КОРЕЯГА ЎҚИШГА ЙЎЛЛАНМА

*Тошкент давлат педагогика университети талабаси Ким Олга нуфузли грантни қўлга киритди. Республикамиз пойтахти олий ўқув юртлари ўртасида «Корейс тилида нотиқлик санъати» деган мавзуда ўтказилган танловда бу иқтидорли талаба совринли мукофот ғолиби бўлди.*

*Шу муносабат билан у бир йил давомида Корея республикасида билим олиш учун йўлланма билан тақдирланди.*

*Ушбу танловда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг икки нафар толиби илми ҳам ғолиб деб топилди. Уларга компьютер қурилмаси ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.*

# АНЪАНАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, қадимий қўшиқлар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналаримизни ўрганиш ва уни тарғиб қилиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий, илмий-методик ишлар ҳамда Паркент тумани ҳокимлиги томонидан "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида ҳаваскор фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда санъат шинавандалари қалбидан ўрин олган Оққўрғон тумани "Тўрғай", Оҳангарон тумани "Чашма", Бўстонлиқ тумани "Гулёр", Юқоричирчиқ тумани "Муножот" фольклор-этнографик халқ ансамбллари билан бир қаторда, фаолиятини эндигина бошлаган турли миллат вакиллари жамоалари ҳам иштирок этди. Тадбирда иштирок этган 20 дан зиёд фольклор-этнографик жамоаларнинг 10 таси жорий йилда ташкил этилган. Фестивал қатнашчилари ўзларининг ранг-баранг чиқишлари билан томошабинларда катта таассурот қолдирдилар. Халққа маънавий озуқа берувчи анъаналар фестивалини ҳар йили апрел ойида ўтказиш белгиланиб олинди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

Сурхондарё вилоятидаги Адиб Собир Термизий номли илмий-универсал кутубхонасида аҳолига зиё улашишда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маърифат маскани зиёкорларнинг намунали хизмати туфайли ҳамиша китобхонлар билан гавжум. Бу ерда турли сиёсий, бадиий ва илмий адабиётлардан иборат бой китоб фонди мавжуд. Айни пайтда кутубхонани янги нашрдан чиққан китоблар билан таъминлаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бунда давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳисобида билан бирга ҳомийлик кўмаклари ҳам асқотяпти.

**Суратда: библиография бўлими мудири Дилрабо Сатторова ва услубият бўлими мудири Зухра Раззоқова.**




**Р.ДАВЛАТОВ олган сурат**

# ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган асосан ёш спортчилар жами еттита медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши мусобақаларида олти вакилимиздан беш нафари - Бахтиёр Имомов, Равшан Рўзиқулов, Жаҳонгир Мўминов, Денис Здориков ва Абдумалик Алиев бронза медаль билан тақдирланди.

Эркин кураш усталари баҳсида эса Заурбек Сохиев - кумуш, Арслон Худалиев бронза медалга сазовор бўлди.

---

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг собиқ раиси

**Бибиайша КИТЕБАЕВА**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент шаҳар солиқ идоралари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси Бегмат Шазимовга укаси

**Ботир ШАЗИМОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---




*Хоккей*

## «АК-БАРС» ҲАМЛАСИ



Биз хоккей деганда узоқ йиллар Москванинг ЦСКА, «Спартак» ва «Динамо» клубларини тушуниб келганмиз. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Энди пешқадамлар ҳақида гап кетганда, Қозоннинг «Ак-Барс» жамоаси тилга олинадиган бўлиб қолди. Бошқача айтганда, Татаристон хоккей марказига айланиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил Россия чемпионлиги айнан «Ак-Барс»га насиб этади. Буни у ўз ўйинлари билан исботламоқда. Россия чемпионати плэй-офф финал сериясининг биринчи учрашувида қозонликлар Омскнинг «Авангард» клуби билан баҳсни ўз фойдасига ҳал қилди. Ҳисоб — 6:1.

*Футбол*

## АНРИ — ЖУДА ХАТАРЛИ ЎЙИНЧИ



Ҳадемай биз Европа чемпионлар лигасининг ярим финал баҳслари гувоҳига айланамиз. Ҳозир рақиблар оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиб, турли фикрларни билдиришмоқда.

Испаниянинг «Вильярреал» клуби юлдузи Рикельме «Арсенал» ҳақида сўз юритиб, жамоа ажойиб футбол намойиш этишга қодирлигини эътироф қилар экан, айниқса Тьерри Анридан эҳтиёт бўлиш кераклигига эътиборни қаратди.

— Жаҳон футболида энг хатарли ҳужумчилардан бири бўлмиш Роналдо билан Анрини ёнма-ён қўйиш мумкин, - деди у «Арсенал» тўпурарига таъриф беракан.

## КИМ БОШ МУРАББИЙ БЎЛАДИ?



Голландиялик мутахассис Гуус Хиддинк Россия терма жамоасини бошқаришга розилик билдирганидан, албатта, хабарингиз бор. Бу демакки, унга оғиз солган жамоалар энди бемалол бошқа номзод излашлари мумкин.

Ушбу хабардан ўзига энг тез хулоса чиқарган Англия термаси бўлди. Сўзи ерда қолган туманли Альбион ошиғич чоралар кўришни бошлаган кўринади. «Daily Meil» газетасининг охирги сони Британия футбол оламида катта шов-шув уйғотди. Нашр тарқатган хабарга қараганда, 2006 йилги жаҳон чемпионати якунига етгач, терма жамоани Мартин О'Нил бошқара бошлайди.

Номзодлар эса анчагина эди: Стив Макларен, Сэм Эллардайс, Луизу Фелипе Сколари. Футбол амалдорлари ўн соатли музокаралардан сўнг бир овоз билан Мартин О'Нил номзодида бир тўхтамга келганлар.

*Баскетбол*

## УМИД ЮЛДУЗИ ЭНГ СЎНГИДА СЎНАДИ



Бу иборанинг нечоғлик тўғри эканлигини исботлашга киришган «Юта Джаз» Миллий баскетбол ассоциациясининг навбатдаги турини кўнгилдагидек ўтказди. У ўз майдонида ҳар жиҳатда кучли саналмиш «Денвер Наггетс» клубини қабул қилиб, 104:83 ҳисобида зафар қучди.

Лекин қолган учрашувлар ниҳоятда оғир кечиши кутилмоқда. Аввал жамоа сафарда «Нью-Орлеанс Хорнтес», «Даллас Маверике» ва «Сан-Антонио Спёрс» билан куч синашса, сўнгра ўз уйида «Голден Стэйт Уорриорз» клубини кутиб олади.

Эслатиб ўтамиз, «Юта» клуби саккизинчи ўринда бораётган «Сакраменто Кингз»дан иккита кам ютуққа эга, лекин Слоун шогирдлари учун бир ўйин заҳирада эканлигини назарда тутилса, омад келишига ишониш мумкин.

Дарвоқе, саккизинчи ўриндан юқорини эгаллаган жамоаларгина «плэй-офф» учрашувларида қатнашади.

*Пойга*

## ТРУЛЛИ «ТОЙОТА»НИ АФЗАЛ КЎРАДИ



«Тойота» пилоти Ярно Трулли мавсум тугагач жамоани тарк этиши керак. Чунки шартномада шундай деб ёзиб қўйилибди. Лекин Труллининг ўзига қолса, «Тойота»да қолиш ниятида.

— Мен ҳозир бир неча жамоалар, шу жумладан, «Тойота» билан ҳам музокаралар олиб бораяпман. Ўзимга қолса, у жамоадан бунисига ўтиб юрмаган бўлардим. Чунки қадрдон жойдагина юқори натижа кўрсатиш мумкин. Масалан, мен «Рено» жамоасидаги фаолиятимнинг учинчи йилида энг яхши натижамга эришганман.

*Олимпиада*

## СОЧИ—НОМЗОД ШАҲАРЛАР РЎЙХАТИДА

Краснодар ўлкаси губернатори Александр Ткачев ва Миллий олимпия қўмитаси президенти Леонид Тягачев 2014 йилда бўладиган олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш учун Сочи шаҳрининг имкониятларини муҳокама қилдилар. Тягачевнинг фикрича, Сочи номзод шаҳарлар рўйхатига киритилиши учун яхши имкониятга эга.

Сочининг устунлик томони шундаки, барча объектлар Олимпиада учун махсус бунёд этилади.

23 июнда Халқаро олимпия қўмитаси номзод шаҳарлар рўйхатини расман эълон қилади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

123456